


Н.Ш. Умарова,
Тадқиқотчи ТДИУ

ИҚТИСОДИЙ ИЖТИМОЙЛАШУВ КОНЦЕПЦИЯСИ: НАЗАРИЯДАН АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР САРИ

Иқтисодий ижтимоийлашув муаммоси нафақат иқтисодчи, балки маҳаллий психолог мутахассисларнинг эътиборидан биров четда қолиб, ҳозирги интеграциялашган соҳанинг ўз ечимини кутаётган долзарб муаммолардан бирига айланиб улгурди. Болалик давридан балоғат даврига ўтиш босқичи – иқтисодий психология соҳаси тадқиқотларининг предмети сифатида оммалашмаган мавзулар сирасига киради. Бу борада етакчи ва кўзга кўринган чет эл ижтимоий психологлари *И.С. Кон, Т.Шибутани, Б.Д. Паригин, Г.М. Андреева, А.А. Бодалев, А.А. Реанлар*нинг фикрича, ҳатто ўспиринлар ва талабаларнинг умумий ижтимоийлашуви масаласи ҳам фан оламида энг кам ўрганилган муаммолардан биридир.

Шу боис ҳам мазкур мақолада биз, **иқтисодий ижтимоийлашув** жараёнига гуруҳий муносабатлар таъсирини аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий-психологик омиллар гуруҳи сифатида яхлитлаш мақсадида олиб борилаётган илмий изланишимизга концептуал (шахсга фаолиятли) ёндашувни амалга оширамиз ҳамда **шахс иқтисодий ижтимоийлашуви** концепцияси ва режалаштирилган экспериментал тадқиқотга доир асосий ғоявий йўналганликни белгилаймиз. Бунинг учун эса «**шахсга фаолиятли ёндашув**» модели орқали иқтисодий ижтимоийлашув жараёнини – **шахс, хулқ-атвор ва фаолият** каби таянч психологик тушунчалар контекстида ўрганамиз.

1-чизмада келтирилган шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёни муаммосининг шахсга фаолиятли ёндашуви моделида, ана шу таянч тушунчалар иқтисодий психология соҳасининг мазмун-моҳиятини очишда қандай роль бажараётганлигини гувоҳи бўлиш мумкин (масалан, А.П. Вяткин). Бунда **фаолият** тузилмаси «**мақсад**», «**восита**» ва «**натижаси**» компонентларини ўзида мужассамлаштирган бўлиб, ундан доимий ҳаракатдаги борлик(материя)нинг моҳиятини тушунтиришда фойдаланилган (масалан, Э.Г. Юдин). Жумладан, иқтисодий муносабатларга йўналтирилган шахс фаолиятининг **мақсади** хатти-ҳаракатларнинг қисм ва босқичларини аниқлаштириб берувчи вазифалар ечимидан ташкил топган бўлиб, у, асосан иқтисодий воқеликда аён бўлади. Бунда шахснинг муваффақиятга эришиш мотивациясини юзага чиқарувчи усул/услуглар иқтисодий фаолият мақсадига етишиш **воситаси** сифатида қўлланилади. Иқтисодий муносабатлар жараёнида эришилган фаолият **натижасидан** эса шахс томонидан дастлабки қўйилган мақсаднинг самарадорлигини текшириш ва баҳолаш ёки зарурий ҳолларда унга тузатиш киритиш/янгисига алмаштириш учун фойдаланилади.



Манба: А.П. Вяткин изланишлари асосидаги муаллиф ёндашуви

1-чизма. Шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёни концепциясининг «шахсга фаолиятли ёндашув» модели

Худди шундай ёндашув орқали, **шахс** ва **хулқ-атвор** тушунчаларини ҳам юқоридаги каби шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнининг моҳиятини ёритишда зарур бўладиган (изоморфизмнинг мантиқ тамойилларига асосланган ҳолда, масалан, В.М. Алахвердов) таянч тушунчалар сифатида эътироф этишимиз мумкин.

Адабиётлар таҳлиliga асосланадиган бўлсак, қабул қилинган иқтисодий ижтимоийлашув тушунчасида, иқтисодий муносабатлар диққат маркази йўлида бош ролни «**иқтисодий инсон**» ўйнайди ёки асосий вазифани шахснинг **иқтисодий онги** бажаради. Шунингдек, шахс **хулқ-атвори** мулкдорлик психологияси контекстидаги замонавий тадқиқотлар предметига айлантирилиб, иқтисодий психология фанининг мулкый муносабатларни тушунтирувчи таянч тушунчаларидан бири сифатида қабул қилинган.

Иқтисодий нуқтаи назардан баҳолаганда, *фаолият* тушунчаси, бу хўжаликни юритиш, ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ шахс хатти-ҳаракатлари алгоритмининг ифодаловчи **иқтисодий фаолият** деган мазмунни беради. *Хулқ-атвор* тушунчаси билан боғлиқ, худди шундай қарашни, маркетинг психологияси соҳасининг тадқиқотлари предметига айланган истеъмолчи психологиясига дахлдор **иқтисодий хулқ** кўринишини тушунтиришда ҳам қўллаш мумкин. Агар, шу соҳада кенг қамровли изланишларни олиб борган Н.В. Полякованинг фикрига эътиборни қаратадиган бўлсак, бундай иқтисодий хулқ кўриниши, одатда, хўжаликни бошқариш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ шахс фаолиятида намоён бўлади.

Мухими, мазкур концептуал ёндашув бизга, бозор муносабатлари шароитида шахс (иқтисодий онг) ижтимоийлашуви (ривожланиши) ва ўзини намоён этишининг зарурий ташқи шартларини тушуниш имконини беради. Бунда диққат-эътиборимизни «**мақсад → восита → натижа**» занжирли тузилма кўринишидаги яхлит тушунчани **фаолият, шахс** ва **хулқ-атвор** даражасидаги таҳлиliga қаратамиз.

Шахс иқтисодий йўналганлик даражасидаги хўжалик юритиш ва уни бошқариш фаолияти **мақсад**-вазифаларининг ўзаро мувофиқ келиши, икки томонлама характер касб этадиган ижтимоий-психологик жараён ҳисобланади. **Бир томондан**, ушбу жараён шахс иқтисодий йўналганлиги даражасида хўжаликни ташкил этиш ва уни ривожлантириш билан боғлиқ кўпқиррали мақсадни қабул қилиш ва англаш вазифасини келтириб чиқарса, **иккинчи томондан**, иқтисодий йўналганлик ривожланиши шахсдан хўжалик юритиш мақсадини адекват тушуниш заруратини талаб қилади.

Худди шундай изчилликка асосланувчи қонуниятларни биз **шахс** ва **хулқ-атвор** тушунчалари моҳиятини очишда ҳам қўллашимиз мумкин. Масалан, товар ёки хизматларга бўлган эҳтиёж(мотив)ни англаш ҳамда мотивацион ҳолатнинг мақсади билан боғлиқ хатти-ҳаракатларда шахс истеъмолчи **хулқини** намоён этади.

Бунда иқтисодий-психологик натижага эришишнинг асосий психологик **воситаси** ҳамда усул/услуглари сифатида, иқтисодий қарашларда қабул қилинган тушунчалар: «иқтисодий роль», «иқтисодий қобилият» ва «иқтисодий малака»лар эканлиги эътироф этилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, бунда шахс бажараётган ҳар қандай **иқтисодий роль** унга таъсир кўрсатаётган ташқи шарт-шароитлар ва у иштирок этаётган иқтисодий воқеликлар негизида ўз ифодасини топади.

Концепцияда булар фаолият ва хулқ-атворнинг мутаносиблиги даражасига қараб ўзаро ажратилган. Жумладан, анланган **иқтисодий қобилиятлар**, ўз ичига, рационал фикрлаш, ҳисоб-китоблилик, ўз ресурси ва бажараётган иқтисодий ролларига нисбатан ўзини ўзи баҳолаш билан боғлиқ шахс фазилатларини камраб олса, **коммуникативлигига** эса гуруҳий қарорларни қабул қилишдаги мулоқатмандлик ҳамда ўзини ўзи намоён қила олиши хусусиятлари киради. Шунингдек, воқеликлар ривожда иқтисодий қобилият ва малакалар яхлит ҳолда иқтисодий муносабатларга киришаётган шахснинг **хулқ-атвори** самарадорлигини таъминлашда намоён бўлади.

Концепцияга мувофиқ, моддий жиҳатдан таъминланганлик ва иқтисодий фаровонлик, асосий **иқтисодий натижа** сифатида қаралиб, бизга, иқтисодий муносабатлар субъектининг чекланган русурслар билан тўлиқ таъминланганлик даражасини, ана шу русурслардан фойдаланиш самарадорлигини ёки бўлмаса ушбу русурсларнинг жараёндаги одилона тақсимооти билан боғлиқ масалаларнинг туб моҳиятини тушунишда ёрдам беради.

Демак, **иқтисодий-психологик натижа** эса бутун шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнини мувофиқлаштирадиган тўртта компонент тўғрисидаги асосий маълумотларни ўзида мужассамлаштиради. Бу тўртта компонент **(1)** ўзини ўзи баҳолаш, **(2)** иқтисодий қобилиятлилики, **(3)** иқтисодий роллар ва **(4)** иқтисодий малака ҳисобланиб, улар ўз навбатида иқтисодий ижтимоийлашув жараёнида шахс эришадиган асосий иқтисодий натижани баҳолашнинг очқич **«қалити»** саналади.


Шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёни маҳсули ҳисобланадиган **иқтисодий масъулиятлиликини шаклланиш** босқичида илк ўспиринларда юқори/паст даражада тараққий этган шахс хулқ-атвор тизимига йўналган маълум бир даражадаги қадриятлар тизими шаклланиши содир бўлади. Шахснинг қадриятларга йўналганлик тизими ментал қадриятлар таъсири остида шаклланса-да, лекин унинг таъсир кўлами устувор ижтимоий-иқтисодий сиёсат ёки бевосита уни ўраб турган ижтимоий муҳит томонидан қатъий тарзда белгиланмаганлиги билан ажралиб туради. Сабаби, иқтисодий ижтимоийлашув жараёнида шахс ўз йўналишларини шакллаништиришда ҳеч қачон сусткашликни намоён қилмайди. Бунда у жамият томонидан таклиф қилинган қадриятларни ўз эҳтиёжлари олами ва ижтимоий-иқтисодий тасаввурларига таянган ҳолдаги танлови ёрдамида ўзлаштиради. Илк ўспиринларнинг қадриятларга нисбатан ориентациясида нафақат **ижтимоий омиллар**, балки уларнинг индивидуал-типологиясига хос баъзи бир характер ва **шахслилик хусусиятлари** ҳам ўз таъсирини ўтказди ҳамда бу ҳолат шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнининг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз кечган-кечаётганлигини муносиб баҳолашда **мезон** вазифасини бажариши мумкин.

Илк ўспиринларнинг қадриятларга ориентациясини иқтисодий ижтимоийлашув жараёни контекстида ўрганиш учун, энг аввало, **иқтисодий воқеликлар** шарт-шароитини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Яъни ёш

даврларининг ушбу босқичида иқтисодий муносабатлар субъекти сифатида шахс **иқтисодий ролларни** бажаришда ўзини қай тарзда тутиши ва **ролли-субъектив фаолиятни** бозорнинг қайси қоидалари асосида ташкил этиши зарурлигини аниқлаш муҳим саналади. Назаримизда, иқтисодий воқеликлар доирасидаги ролли-субъектли фаолиятга дахлдор муносабатлар шарт-шароити даставвал иқтисодий ижтимоийлашув жараёнида намоён бўлади. Иқтисодий луғатда таъкидланишича, шахснинг иқтисодиётга **ижтимоийлашуви** жараёни иқтисодий муносабатлар доирасидаги ижтимоий талабни қайта ҳисобга олиш, кишилар меҳнати ва ҳаётини инсонпарварлаштириш, ижтимоий дифференциацияни юмшатиш, иқтисодий соҳаларни юксалтириш каби қатор воқеликлар ҳамда ҳодисаларда намоён бўлади. Бу борада тадқиқотлар олиб борган хорижлик ижтимоий психологлар(масалан, Н.А. Журавлева)нинг фикрича, иқтисодий ижтимоийлашув жараёнига: **(1)** шахс истиқомат қилаётган умумий ижтимоий-иқтисодий вазият; **(2)** оилавий установка ва кадриятлар; **(3)** иқтисодий фаолиятда истеъмолчи сифатида намоён бўлиши билан узвийликдаги учта асосий шарт-шароит таъсир ўтказар экан.

Шахснинг иқтисодий муносабатларга алоқадор **кадриятлари** иқтисодий ижтимоийлашувнинг **асоси** бўлиши мумкин, деган **илмий фараз**ни исботлаш мақсадида ишнинг ушбу босқичида, илк ўспиринлар гуруҳидан ташкил топган респондентлар М.Р. Рокичнинг **«Кадриятлар ориентацияси»** номли методикаси ёрдамида синовдан ўтказилди. Методика ёрдамида иқтисодий воқелик(ҳодиса, муносабат)ларда илк ўспириннинг субъект сифатида ўзини ўзи индивидуал мавжудлигини эътироф этиши ёки унга нисбатан ички интилишини ифодаловчи **терминал** кадриятлари ҳамда ана шу воқелик(ҳодиса, муносабат)лар доирасидаги иқтисодий ролларни бажаришида қўл келадиган мақбул ҳаракат шаклини танлашга ёки шахс хусусиятини намоён этишга нисбатан мувозанатлашганлигини тушунтирувчи **инструментал** кадриятлари аниқланди. Ўйриқномага мувофиқ, турли демографик ҳудудларга мансуб илк ўспирин респондентлар мазкур икки туркумга тааллуқли кадриятларнинг аҳамиятлилик даражасига кўра тартиблашлари талаб этилди.

Респондентлар амалга оширган танловлари асосида, уларнинг иқтисодий муносабатларга киришишга йўналганлигини баҳолашга ҳаракат қилар эканмиз, қуйидаги бир-бирига мутаносиб бўлмаган манзаранинг гувоҳи бўлинди. Жумладан, **шаҳарда** истиқомат қилаётган респондентлар терминал кадриятлар қаторидан ўзлари учун энг аҳамиятли деб, **моддий муваффақият** ва **шахслараро муносабатлар** билан боғлиқ икки хил йўналганликни намоён этишди. Масалан, «ижтимоий мавқе ва мансабга интилиш», «жамоатчиликка тан олинганлик», «ўзига тўқ, бой-бадавлат бўлиш» каби кадриятлар аҳамиятлилик хусусиятига кўра **энг баланд** кадриятлар сифатида эътироф этилган.




Шаҳарлик илк ўспиринлардаги устувор терминал қадриятлар (n=28)

Қишлоқлик илк ўспиринлардаги устувор терминал қадриятлар (n=25)

1-расм. Манба: муаллиф изланишлари

Натижалар, шаҳарлик илк ўспиринлар келажакка йўналганлик борасида беқарор эканлигини кўрсатиб, ўзини ўзи тўғри баҳолаш борасида муваффақият қозона олмаслигига ишорат беради. Юқори даражали аҳамиятлиликдаги қадриятлар сифатида таъкидланган, **«жамоатчиликка тан олинганлик»** қадрияти – шаҳарлик илк ўспиринларда 71,4 фоиз, қишлоқда истиқомат қиладиган илк ўспиринларда – 24,0 фоиз; «ижтимоий мавқе ва мансабга интилиш» қадрияти – шаҳарлик коллеж ўқувчиларида 89,3 фоиз, қишлоқлик коллеж ўқувчиларида – 12,0 фоиз; «ўзига тўқ, бой-бадавлат бўлиш» қадрияти эса шаҳарлик синалувчиларда 75,0 фоиз қишлоқлик синалувчиларда – 88,0 фоиз эканлиги, ушбу қадриятларнинг бозор иқтисодиёти шароитида янгича иқтисодий фикрлашни амалга ошираётган илк ўспиринлар учун катта ҳаётий аҳамият касб этаётганлигини аниқлаб, ўзига хос демографик хусусиятни намоён этди ҳамда қадриятларга йўналганликни белгилашда **мезоомиллар** таъсири борлигини яққол кўрсатди. Тадқиқотнинг кўрсатишича, 1-гуруҳ вакиллари ориентациясининг мазмунини «ижтимоий мавқе ва мансабга интилиш» ва «жамоатчиликка тан олинганлик» каби **ижтимоий** қадриятларга йўналганлик омиллари мажмуаси ташкил қилса, 2-гуруҳ аъзоларидаги ориентацияда эса «севимли инсонга интилиш», «оилада ўзаро ишонч ва мустаҳкам муносабат» ва «саранжом-саришталик, уйда қулайлик яратувчанлик» каби **оилавий ҳаёт** қадриятларига йўналганлик омиллари яхлитлиги устуворлик касб этади (1-расмга қаранг). Ушбу ҳолат уларнинг иқтисодий ижтимоийлашувида у ёки бу даражадаги қадриятлар таъсири аҳамиятлилигини ва гуманизм ғоялари билан суғорилган мамлакатимиздаги ёшлар сиёсатининг **инсонпарварлиги** ва **оилапарварлигидан** дарак беради.



Шаҳарлик илк ўспиринлардаги устувор инструментал қадриятлар (n=28)

Қишлоқлик илк ўспиринлардаги устувор инструментал қадриятлар (n=25)

2-расм. Манба: муаллиф изланишлари

Турли демографик ҳудудларда истиқомат қилаётган илк ўспиринлар томонидан, **инструментал** қадриятлар қаторидан биринчи даражали аҳамиятлиликда деб топилган танловларда ҳам, худди терминал қадриятлар шаклланишидаги каби тафовутлар борлиги аниқланди. Масалан, шаҳарда яшаб келаётган синалувчиларимиз учун муҳимлиги бўйича: **«ўз фикр ва қарашларида қатъий тура билиш ва орқага чекинмаслик»**, **«ўзини ўзи англаш, иқтисодий қизиқишларига мувофиқ келувчи фаолият билан шуғулланиш»** ва **«иродали бўлиш»** каби қадриятлар биринчилар қаторида танланди (2-расмга қаранг). Шунингдек, тадқиқот натижаларининг далолат беришича, умумий доминантлик кўрсаткичлари бўйича қишлоқдаги коллежда таҳсил олаётган илк ўспирин ўқувчилардаги етакчи қадриятлар параметри сифатида **«тарбияланганлик»**, **«сабрли бўлиш, бошқалар фикрини тинглаш, ҳурмат қилиш, хато ва камчиликларни кечириш»** ва **«мехнатсеварлик, ишлардаги самарадорлик»** омилларидан иборат йўналганлик мажмуаси эътироф этилган қадриятлар **жинсий хусусиятлар** воситасида қўлга киритилади, деган хулосага олиб келади.

Натижаларни таҳлил қилар эканмиз, яъни инструментал қадриятларни терминал қадрият билан таққосларканмиз, илк ўспиринларда терминал қадриятлар қаторидан «моддий муваффақият» омилига оид – **«моддий қийинчиликларнинг йўқлиги»**, **«ўзига тўқ, бой-бадавлат бўлиш»**, **«вақтни ёқимли ва қизиқарли ишлар билан ўтказиш»**, **«оилавий моддий қадриятларнинг мавжудлиги»** каби қадриятлар танлаб олинганида, инструментал қадриятларни танлаш жараёнида эса бозор муносабатларига киришишдаги иқтисодий ролларни бажаришда – **«юксак талаб (иқтисодий муносабатларга киришишдаги талабчанлик ва иқтисодий даъво)»**, **«ўзини ўзи англаш, иқтисодий қизиқишларига мувофиқ келувчи фаолият билан шуғулланиш»**, **«бошқалар билан ҳамкор бўлиш (олди-берди ва**

шерикчилик муносабатларини шаклланганлиги)» каби моддий муваффақиятни белгиловчи кадриятларни эмас, балки умуман бошқа бир кадриятларга тўхталинганлигини гувоҳи бўламиз. Бундай номутаносиблик синалувчини бозор муносабатларига асосланиладиган жамиятда тўғри иқтисодий ижтимоийлашмаган, фаолиятга йўналганлик тузилмасида эса **«мақсад», «восита»** ва **«натига»** компонентларини ўзида мужассамлаштирганлигидан далолат бериб, бу тоифа шахсларни бозор муносабатларига киришишга тайёр эмас, деб баҳоланишига **сабаб** бўлади.

Назаримизда, ҳар иккала кадриятлар мажмуасининг нисбий аҳамияти шундаки, у нафақат, турли жинс вакиллари учун, балки ижтимоий-демографик гуруҳлар учун ҳам хилма-хил бўлади, бу тафовутланишдан эса бозорни сегментларга ажратиш мезони сифатида фойдаланиш мумкин. Бу ҳолатни эса шахс иқтисодий ижтимоийлашуви жараёнига таъсир кўрсатувчи ижтимоий-психологик омиллар **мотивацион-кадриятли тузилмасининг механизми** деб баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Мазкур механизмни қуйидаги мисол орқали ҳам изоҳлаш мумкин. Масалан, шодлик ёки лаззатни кадрлайдиган **эгоцентрик** лаёқати юқори илк ўспирин ёшидаги қиз бир қадах қаҳвани ёқимли таъми учун ичишни хоҳласа, мақсадга эришганлик ҳиссини кадрлайдиган **социоцентрик** лаёқати илк ўспирин-йигит қаҳвага ишлаб чиқариш унумдорлигини оширадиган кучсиз стимулятор сифатида қарайди. Ва яна **анъанавий** лаёқатига асосланган ҳолда бошқалар билан илиқ муносабатда бўлишни кадрлайдиган яна бир тоифа (ўғил ва қиз аралаш) илк ўспиринлар эса ижтимоий урф-одатга риоя қилган ҳолда бир чашкадан қаҳва ичишни хуш кўрадилар.

Демак **иқтисодий ижтимоийлашув концепцияси** шартларига мувофиқ, **биринчидан**, терминал кадриятлар иқтисодий ижтимоийлашув жараёнида шахсининг, тадбиркор, ишлаб чиқарувчи, сотувчи каби иқтисодий ролларни бажариши билан боғлиқ фаолият соҳасидаги муҳим хусусият – иқтисодий муносабатларга киришиш **қобилиятини** баҳоловчи **омил** ролини бажарса, **иккинчидан**, мотивацион йўналганликни ифодаловчи инструментал кадриятларнинг лаёқатлар шаклида шахс иқтисодий хулқининг у бажараётган истеъмолчи, харидор каби роллари мазмунида намоён бўлиши эса таянч **иқтисодий кўникмага** эга бўлган истеъмолчи хулқ-атвори шаклланганлик даражасини ўлчовчи **омил** сифатида юзага чиқади.